

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШДА ДАВЛАТ
ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Абдувоҳобов Муроджон Қобилжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича таълим
олаётган 2-ўқув курси 320-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Мақолада профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш жараёнида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва амалий механизмлари таҳлил қилинади. Хусусан, маълумот алмашиш, ваколатларни мувофиқлаштириш ва қонунчиликда назарда тутилган ҳамкорлик шакллариининг амалий қўлланилиши ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганилади. Амалдаги тизимдаги асосий муаммолар очиб берилган ҳамда ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишга қаратилган институционал ва ҳуқуқий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, маъмурий иш юритиш, давлат органлари, ҳамкорлик, ташкилий-ҳуқуқий асослар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, институционал механизмлар.

Аннотация. В статье анализируются организационно-правовые основы и практические механизмы взаимодействия инспекторов по профилактике с государственными органами в процессе производства по делам об административных правонарушениях. В частности, с правовой точки зрения изучается обмен информацией, координация полномочий и практическое применение форм сотрудничества, предусмотренных законодательством. Раскрыты основные проблемы действующей системы, а также выдвинуты институциональные и правовые предложения, направленные на повышение эффективности сотрудничества.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, административное делопроизводство, государственные органы, сотрудничество, организационно-правовые основы, профилактика правонарушений, институциональные механизмы.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва самарадорлигини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнда ички ишлар органлари зиммасига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишни қонун доирасида амалга ошириш ҳамда давлат ва жамоат тузилмалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–371, 10-модда)да ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда фаолият юритиши белгиланган. Шунингдек, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органларининг давлат органлари, маҳалла, корхона ва муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар ҳамда Ҳукумат ҳужжатларида ҳам профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг давлат органлари ва маҳаллалар билан ҳамкорлик механизмларини аниқ белгилаб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори ва 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарорида профилактика ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини ислоҳ қилиш, ички ишлар органларининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда идоралараро ҳамкорликни кучайтириш чоралари белгилаб берилган. Шунингдек, 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармон билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маҳалла ва соҳавий хизматлардан Пробация хизмати билан ҳамкорликнинг аниқ механизмлари жорий этилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш жараёнида профилактика инспекторлари нафақат ички ишлар органлари тизимидаги соҳавий хизматлар билан, балки суд, прокуратура, маҳалла, пробация органлари, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим. Бу ҳамкорлик қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши, ахборот алмашиш, иш юритишдаги мувофиқлик ва жавобгарликни таъминлаши зарур.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, профилактика инспекторлари фаолиятида идоралараро ҳамкорлик тизимини янада такомиллаштириш, электрон маълумотлар алмашиш механизмларини мустаҳкамлаш ва норматив-ҳуқуқий базани бир хил қўллаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан ушбу мақолада маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишда профилактика инспекторларининг давлат органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, ташкилий жиҳатлари ҳамда амалдаги механизмлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

1-БОБ. Профилактика инспектори фаолиятида маъмурий иш юритишнинг ҳуқуқий пойдевори.

Профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий пойдевори бир қатор асосий қонун ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий манбалар билан белгиланган. Улар профилактика инспекторларининг ваколатлари, маъмурий ишлар юритиш тартиби ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлик шакллари аниқ белгилаб беради.

Биринчи. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун:

(ЎРҚ–371, 14.05.2014 й.) Ушбу Қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги асосий ваколатлари ва давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик тартиби белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни амалга оширади, бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда профилактик чораларни белгилайди ва ижросини таъминлайди.

Иккинчи. “Маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонун:

(ЎРҚ–532, 14.03.2019 й.) Қонуннинг 16-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан маъмурий назорат соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари белгиланган. Бу норма профилактика инспекторларига назорат тадбирларини самарали олиб боришда турли идоралар билан ҳамкорликда ишлаш имконини беради.

Учинчи. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун:

(ЎРҚ–407, 16.09.2016 й.)

• **9-моддада** ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлик ва шаффофлик принципи белгилаб берилган.

• **11-моддада** давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилган.

• **15¹-моддада** маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ички ишлар органлари билан маҳалла даражасидаги ҳамкорликдаги роли белгиланган.

• **45-моддада** халқаро ҳамкорлик масалалари ёритилган.

Ушбу моддалар профилактика инспекторлари фаолиятида ҳам очиқликни таъминлаш, ҳам маҳаллий ва халқаро даражада ҳамкорликни ташкил этиш учун ҳуқуқий база ҳисобланади.

Тўртинчи. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК):

МЖТКнинг **Тўртинчи бўлими** — “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юритиш” — профилактика инспекторлари фаолияти учун асосий амалий ҳуқуқий пойдевордир.

• **269-модда**да маъмурий ишларни юритишнинг вазифалари белгиланган: ишларни холис ва тўла кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, қонунийликни мустаҳкамлаш.

• **269¹-модда**да маъмурий ишлар электрон шаклда юритилиши ва ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши кўзда тутилган.

• **270-модда**да эса иш юритиш тартиби Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши қатъий белгиланган.

2-БОБ. Президент фармон ва қарорларида белгиланган ташкилий-ҳуқуқий асослар.

Янги Ўзбекистонда профилактика инспекторлари фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида Президент фармон ва қарорлари муҳим ўрин тутди.

Биринчи. Президент фармони ПФ–6196 (26.03.2021 й.):

«Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мазкур фармон орқали соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошланган. Унда “йўл харитаси” асосида профилактика ва пробация инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш, идоралараро ахборот алмашишни такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Иккинчи. Президент Фармони ПФ–27 (29.11.2021 й.):

Мазкур фармон билан профилактика инспекторларининг 22 та вазифаси аниқ белгилаб берилган. Шу жумладан, 11-вазифа давлат органлари ва маҳалла тизими билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини маҳаллалар кесимида самарали ташкил этишга қаратилган.

Учинчи. Президент қарори ПК–2833 (14.03.2017 й.):

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мазкур қарорда профилактика инспекторлари фаолиятини самарали ташкил этиш, идоралараро

ҳамкорликни кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ягона тизимни шакллантириш вазифалари белгилаб берилган.

Тўртинчи. Президент қарори ПҚ–2883 (12.04.2017 й.):

«Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги мазкур қарор билан ИИВнинг янги Низоми тасдиқланган. Унда аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг янги механизмлари, ички ишлар органлари фаолиятида очиқлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш чоралари белгиланган.

3-БОБ. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ИИВ буйруқларида белгиланган вазифалар.

Профилактика инспекторлари фаолиятида давлат органлари билан ҳамкорликни амалга оширишда фақат Президент ҳужжатлари эмас, балки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари ҳам муҳим ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларда профилактика инспекторларининг ташкилий-амалий фаолияти, электрон тизимлардан фойдаланиш, соҳавий хизматлар ва бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликнинг аниқ механизмлари белгилаб берилган.

Биринчи. Вазирлар Маҳкамасининг 431-сон қарори (08.07.2021 й.):

«Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарор профилактика инспекторлари фаолиятини рақамлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қарорга илова қилинган Низомда “**E-ma'muriy ish**” ягона электрон иш юритув тизимининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган. Тизим ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолатлар юзасидан маъмурий иш ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш, ваколатли органларга юбориш, жабрланувчи ва гувоҳлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва идоралараро ахборот алмашишни таъминлайди.

Бу профилактика инспекторларининг иш юритишини тезкор, шаффоф ва ягона тартибда амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратади.

Иккинчи. Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи:

Мазкур буйруқ билан “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** тасдиқланган.

Низомнинг 4-боби — “Якуний қоидалар”да қуйидагича белгиланган:

“Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда қонун

ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади”.

Ушбу буйруқ профилактика инспекторларининг маҳаллий даражадаги соҳавий хизматлар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик фаолиятини аниқ тартибга солади.

4-БОБ. Давлат органлари билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари.

Профилактика инспекторларининг давлат органлари билан тизимли ҳамкорлиги жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни самарали бажариш, соҳалар кесимида мувофиқлашувни таъминлаш ва масъулиятни аниқ тақсимлашга хизмат қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади, жиноятчилик ҳолати таҳлил қилинади ва аниқ муаммоларга йўналтирилган чоралар белгиланади. Жумладан, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда номма-ном бириктирилган масъул раҳбарлар томонидан ташкил этиладиган “Намунали хавфсиз кўча” ва “Намунали хавфсиз уй” лойиҳаларига қўйиладиган намунавий талабларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этишда профилактика инспекторлари билан маҳаллий ҳокимият органлари ҳамжиҳат фаолият юритади.

Соҳавий давлат органлари билан ҳамкорлик профилактика ишларининг мазмунан бойишига хизмат қилади. Таълим муассасаларида вояга етмаганлар билан ишлаш, соғлиқни сақлаш органлари билан салбий иллатларнинг олдини олиш, бандлик органлари билан ишсиз фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ишлари шулар жумласидандир.

Прокуратура ва суд органлари билан маълумот алмашиш, қонун бузилишларига тезкор таъсир чораларини кўриш ва умумий профилактика сиёсатини мувофиқлаштириш орқали қонун устуворлиги таъминланади.

Бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори Конституция, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда идоралараро ҳужжатлар билан белгиланган бўлиб, уларни такомиллаштириш профилактика фаолияти самарадорлигини оширади.

5-БОБ. Хулоса ва тақлифлар

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш фаолияти кўп қиррали ҳуқуқий муносабатларни қамраб олади. Бу жараён Конституция, қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек идоралараро буйруқ ва йўриқномалар билан тартибга солинади. Амалда ушбу ҳужжатлар турли даражаларда қабул қилингани боис, айрим масалаларда нормаларнинг турлича талқин қилиниши

ҳолатлари учраши мумкин. Бу эса инспекторларнинг хизмат фаолиятида ҳуқуқий механизмларни бир хилда қўллашни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Маъмурий иш юритиш жараёнларини соддалаштириш зарурати:

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда “Е-ма’мурий иш” ягона ахборот тизимининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, ҳужжатларни рақамли шаклда юритишни тўлиқ амалиётга жорий этиш орқали профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш лозим.

Ҳамкорликни институционал даражада мустаҳкамлаш зарурати:

Профилактика инспекторларининг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқ ҳуқуқий асослар билан белгилаш ва амалий тажрибада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли қарори.

10. Қадамович Б. Ҳ. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 94-99.

11. Қадамович Б. Ҳ., Расулов Д. Ў. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 128-132.